

## МУСТАМЛАКА СИЁСАТИДА АНЬАНАВИЙ ЎЗБЕК АЁЛЛАРИ ТАҚИНЧОҚЛАРИ ВА ЗАРГАРЛИК МАҲСУЛОТЛАРИГА МУНОСАБАТ

**Тўрабоева Яйра Рустамжоновна**

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти “Туманинг фанлар”  
кафедраси катта ўқитувчиси, АДУ докторанти*

---

### ARTICLE INFO.

---

**Ключевые слова:** тақинчоклар, заргарлик, зирақ, билакузук, мунҷоқ, маржон, кумуш тумор, Узювелирторг.

---

### Аннотация

---

Мақолада маҳаллий ўзбеклар маданияти, урғ-одат ва анъаналарини ўзида мужаммам этган аёллар тақинчоклари ва уларга сиёсий мустамлака хукуматининг муносабати таҳлил этилади. Мақола XIX аср охри ва XX аср оралиғидаги сиёсий хокимиятнинг миллий урғ-одатларни йўқотишга қаратилган мағкуравий хужумларни баён этади.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2023 LWAB.

---

**Кириш.** Дунё тамаддунида турфа хил халқлар яшар экан, уларнинг этник тарихи, маданияти, урғ-одат ва анъаналарининг ўзига хос бўлган жиҳатларини тадқиқ этиш ва кенг оммага етказиш зарурияти ҳозирги замон олимлари олдида турган улкан вазифага айланди. Зоро, мамлакатлар бой маданий мероси ва тарихий давлатчилик анъаналари билан ҳам қадр-қийматга эгадир.

Мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотлар залворли тарихимизни холисона ёритиш, мағкуравий тўсиқлардан ҳоли бўлган аниқлик ва илмий асосланган тажрибаларнигина жамоатчиликка етказиш каби мухим вазифалар кўрсатиб берилди. Айниқса, миллий хунармандчиликнинг ноёб наъмуналарини қайта тиклаш, анъаналарни сақлаб қолиш, амалий санъат наъмуналарининг дурдона нусҳаларни қайта жонлантириш каби долзарб муаммолар борлигини англади ва хукумат томонидан тарих китобини қайта ёзиш масаласи турад эди. Улар орасида ўзбек аёлининг хуснига хусн, миллий либосига мос бўлган тақинчоклар масаласи ҳар доим улар томонидан дикқат эътибор марказида бўлиб келган.

Мустақиллик туфайли заргарлик санъатини қайта миллий руҳда жонлантириш имконияти пайдо бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М Мирзиёевнинг 2017 йил 10 августдаги «Заргарлик саноатини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3199-сон қарори[1], 2018 йил 28 августдаги «Замонавий заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3921-сон қарори[2], 2019 йил 18 майда “Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5721[3], 2021 йил 22 февралда ПҚ-4998-сон “Заргарлик саноатини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори республиканинг турли ҳудудларида замонавий заргарлик савдо-ишлаб чиқариш марказларини ташкил этиш каби мухим вазифалар амалга оширилиб борилмоқда. Ушбулар мамлакатимизда заргарлик соҳасига эътибор кучайиб бораётганлигидан

далолат беради.

**Методлар.** Мақолада XIX аср охри ва XX аср оралиғидаги сиёсий хокимиятнинг миллий урфодатларни йўқотишга қаратилган мағкуравий хужумларни баён этади. Унда тарихий тахлилийлик архив хужжатлари асосида киёсий мухокама этилади.

**Натижалар.** Турли тарихий даврларда Фарғона водийси тарихи ва маданиятини тадқиқ этган рус олимлари ишларида ўзбек аёллар кийим-кечаклари мавзусининг бир қисми сифатида тақинчоқларга қисман эътибор қаратилди. Жумладан, В.Наливкин ва М.Наливкиналарни тадқиқотларида Фарғона водийси аёлларнинг маҳаллий усталар томонидан ясалган безаклари: зирақ, билакузук, мунчоқ, маржон, кумуш тумор каби тақинчоқлар борлигини таъкидлаган[4].

Марказий Осиё давлатлари Совет давлатига қарам бўлгандан сўнг, моддий маънавий бойликлар мустамлака томонидан таланди ва пала-партиш равишда олиб чиқиб кетила бошланди. Маҳаллий конлар аниқланиб, ер ости бойликлари, қимматбаҳо металлар ҳам олиб чиқиб кетилди. Ҳалқ амалий санъати наъмуналари паст нарҳда баҳоланиб, ҳунармандларга нисбатан зўравонлик кучайди. Оқибатда деярли барча ҳунармандлар ўз ҳунарларини тўхтатдилар.

Хусусан, 1894 йил 22 декабрда тог муҳандиси Михайловнинг 16 декабрда берган хатида шаҳар маъмуридан Шарқий Бухордан олтин қазиб олишга руҳсат сўрайди. 1896 йил 10 сентябрда тог муҳандиси П.А Жаровко-Пакорскимъ ҳам Туркистон генерал губернаторидан Бухоро хонлигига олтин қидирув ишлари олиб борилаётгани айтилади[5].

Ўзбек ҳалқ амалий санъати ва маданияти Совет мустамлака даврида тазиқ ва зўравонликка учради. Шу ўринда заргарлик мактаблари ҳам. Октябрь тўнтарилишидан сўнг асосий эътибор ишчилар гурухини яратишга қаратилди. Улар орасида маҳаллий ҳунармандлар ўз қасбларини артеллар ва заводларда давом эттиришлари шарт этиб белгиланди. 1920 йилда бошлаб расман ҳунармандчилик артеллари ишлай бошлади. Улар миллий ва маҳаллий маҳсулотларни эмас балки давлат буютмаси асосида иш юритдилар. Унда миллий анънаналардан вос кечиб, совет мағкураси таъсири сезилиб туриши, мағкуравий тасийклардан далолат берарди. Ҳунармандлар ўзлари истаманган тарзда завод ва артелларга бирлашдилар. Маҳаллий маҳсулотлар кундалик ва безак маҳсулоти сифатида ноқулай, оғир ва замонавий эмас деб баҳоланди. Оқибатда заводлардан келтирилган енгил, олтин ва кумушдан ишланган бир хил кўринишга эга бўлган, кичик ҳажмдаги тақинчоқлар, бюжитериялар кириб кела бошлади[6]. Ушбуларни таққослаш ва холис ёндашиб мақсадида совет савдо вазирлиги хузуридаги “Узювелирторг”(ўзбек заргарлик буюмлари савдоси)нинг 1950-60 йиллардаги фаолияти ва ҳисоботларини архив маълумотлари асосида кўриб чиқамиз.

1959 йил 23 марта УзССР “Ювелиторг”нинг раиси А.А Агзамовга берилган ҳисоботларда 1958 йил савдо марказларида жиддий камчиликлар борлиги айтилади. Уларга баъзи маҳсулотлар сотилмай тургани(билақузук, бир кўзли зирақлар, маржон ва бошқалар), савдо марказлари(Андижон ва Наманганд)да тартибсизликлар борлиги таъкидланади. Маҳаллий ахолига фақат импорт товарлар таклиф этилади.

1960 йил 15 марта УзССР савдо вазирлиги қошидаги “Узювелирторг”(ўзбек заргарлик буюмлари савдоси) идорасининг 1959 йилги ҳисоботларида мамлакатда жами 19 та заргарлик савдо шахобчasi борлиги айтилади. Савдо шахобчалари марказ буютмаси асосида келтирилган заргарлик маҳсулотлари билан тўлдирилган ва режа асосида маҳсулотларни сотиш кераклиги, бу учун маҳсус белгиланган план() қўйилган. Заргарлик маҳсулотларининг аксарияти Росювелирторг Ўзбекистон базасининг улгуржи заргарлик буюмлари базалариги етказиб берган. Шунингдек, чет далватларидан импорт қилинган заргарлик маҳсулотлари ҳам савдо шахобчаларида сотилган(масалан Хитой)[7].

**1-жадвал. Узювелирторг маҳсулот айланмасининг 1959 йилдаги ҳақиқий бажарилиши ва 1959 йилги режага нисбатан миллионлаб рублдаги товарларнинг бажарилиши**

	Асос 1958 й	Режа 1959 й	Асос 1959 й	Оғишлар	Асосдаги 1958 режага 1959
Олтин маҳсулоти	11,7	10,5	10,1	-1,6	-0,4
Кумуш маҳсулоти	10,8	10,0	10,6	-0,2	+0,6
Метал буюмлар	11,5	12,0	12,9	+1,4	+0,9
Соатлар	37,0	44,0	36,7	-0,3	-7,3
Қайта ишланган соатлар	2,6	1,5	1,9	0,7	+0,4
Жами	73,6	78,0	72,2	-1,4	-5,8

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, жадвалда белгаланган заргарлик буюмлари режа асосида тартиб билан келтирилгани ва маҳаллий бозорларни аста секин эгаллаб, миллий маҳсулотларин сиқиб чиқарганилиги тушуниш мумкин. Оқибатда минг йиллар давомида сақланиб келинаётган анъаналар, урф-одатлар, моддий маданий хусусиятлар унитилиб борди, натижада фақат иттифоқ манфаатларигагина ҳизмат қилувчи ишчилар жамоаси яратилди. Маҳаллий ҳалқлар онгида миллий менталитет, этник идентиклик ўрнини мафкуравий бўшлиқ эгаллай бошлади.

1900 йилда Парижда ҳалқаро кўргазма бўлиб ўтади. Унда ўзбек миллий маданий мероси ёдгорликларининг ноёб дурданалари намойиш этилди. Улар ичida маҳаллий уста заргарлар томонидан ясалган мис ва кумуш метал буюмлари мавжуд бўлиб, кумушдан ясалган заргарлик буюмлари ичida бел учун тақиладиган тўплам, билагузуклар, манжетлар, сирғалар, узуклар, бўйинбоғлар, туморлар ҳам намойиш этилди. Эспонатлар асосиан Тошкент музейидан олиб келинган.

1901 йил 14 июлда кўразмада иштирок этган бухоролик мохир усталар иши олий даражада баҳоланиб, Мирза Малик қаровулбеки, Мирза Зайнiddин токсоба, Ота хўжа Хаджаевлар франция хукумати томонидан тақдирланган[8].

Бу каби кўргазмалар кейинги йилларда жуда кўплаб ташкил этилди. Аммо 1950-60 йиллардаги кўргазмларда маҳаллий хунармандчилик маҳсулотлари эмас балки, завод ва фабрикада ишлаб чиқарилган маҳслотлар олиб чиқилган. Хатто, 1901 йилда Туркистон генерал губернатори генерал лейтенент Иванов Тошкент шаҳар ломбардини ташкил этиш тўғрисидаги таклиф қилган. Аммо бир қанча иқтисодий сабаблар рўйиҳа қилиниб бу масала анча кечиктирилган[9].

Совет Россияси 2-жаҳон уришидаги ғалабасидан сўнг ўз имкониятларини техник ва технологик янгилаб бориш йўлидан борди ва бу йўлдан боришга мустамлака давлатларини ҳам мажбурлади. Шу боис янги техникаларни кўрсатиш мақсадида кўргазма ва ярмаркалар ташкил этила бошланди. 1960 йиллардан бошлаб ҳалқаро кўргазма ва ярмаркаларни ташкил этиш фаоллашди. Бунга жавобан Россия ҳам замонвий техникалари, энг сўнги русумдаги маҳсулот ва товарларни олиб чиқишига уринди.

Биргина 1960 йилда йигирмага яқин кўргазмалар ташкил этилган бўлса, улардан Бухарест(Руминия), Пхенян(Хитой), Осло(Нарвегия), Пловдив(Болгария) каби давлатлардаги кўргазмаларда СССР мустамлакалри қаторида УзССР ҳам иштирок этиб борди. Ушбу кўргазмаларда нафақат миллий ва қадимий маҳсулотлар балки янги ишлаб чиқарилган техник ва майший маҳсулотлар ҳам кўйилган. Миллий маҳсулотлардан дўппилар, сузана, кўрпачалар, миллий мусиқа асбоблари билан бирга маҳаллий зиргарлик маҳсулотлари ҳам олиб чиқилган[10].

Шунингдек, ҳалқаро кўргазмаларга маҳаллий мустамлакалар мезбонлик ҳам қилишган. Хусусан

Ўз ССР Вазирлар Кенгаши 1960 йилдан 1961 йил майгача Чехословакиянинг “Яблонех” ташки савдо корхонасининг заргарлик буюмлари кўргазмасини Тошкент шаҳрида[11] ўтказилгани айтилади.

**Муҳокама.** Заргарлик маҳсулотлари учун керак бўладиган қимматбаҳо металлар келишув ва кредитлар асосида савдо марказларига етказиб берилган. Масалан, 1934 йил 20 июндаги Андижон, Қўқон ва Самарқанд билан олмос сотиб олиш тўғрисидаги телеграммалар фикримизни тасдиқлайди[12].

Шунингдек, мустамлака янги ва замонавий тақинчоқ турлари билан савдо расталари тўлдириб борди. Айниқса, эркак ва аёлларга бир хилда ёқадиган янги ва замонавий соатлар кенг жамоатчилик томонидан қабул қилинди. Аёлларнинг севимли "Тонг", "Юлдуз" номли соатлари кундалик ҳаётда оммалаша борди. 1959 учун "Ювелирторг" оғисининг Марказий Осиё таркибига 18 та савдо шахобча, 7 та киоска ва павилонлар, 6 та сотиб олиш пунктлари, 1 та соат тузатиш маркази кирган[13].

Совет Россияси ўзининг техник янгиланиш йўлида керак бўладиган ва захира бойликларини мустамлакалардан тортиб олиш мақсадида олтин ва қимматбаҳо металл конларини ўргана бошлади ва ўзлаштириди. УзССРнинг Қишлоқ хўжалиги бошқармаси 1961 йилда Ўзбекистонда мавжуд олтин ва кумуш конлари ҳисоботларда маҳаллий ахоли томонидан тўлиқ ўрганилмагани ва қазиб олинмагани айтилади[14]. Демак, илмий экспедициялар фақатгина қимматбаҳо металларни излаб топиш ва ўзлаштиришнига кўзлаган.

**Хулоса.** Хулоса Сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, Совет Иттифоқи маҳаллий анъаналарни қўйидаги мақсадларда тугатишни кўзлаган.

- ✓ мустамлака давлатларни қалоқ ва замондан орқада қолган мамлакат сифатида кўрди;
- ✓ уларга нисбатан тазийқ ва зўровон кайфиятда бўлди, хатто маҳаллий хунармандларни қулоқ қилди, бойликларини мажбуран тортиб олди;
- ✓ ҳар қандай миллий кайфиятдаги инсонларга ўз анъаналарини унитиши, маҳаллий хусусиятларни ифода этувчи моддий ва маданий ёдгорликларни олиб чиқиб кетиши мақсадани кўзлади, натижада ноёб асори атиқалар Совет Россияси музейларининг олтин фондини тўлдириди;
- ✓ хунармандлар мажбуран артелларга бириктирилди ва иттифоқнинг буюртмалари ишлаб чиқара бошлади;
- ✓ хукумат аёлларининг тақинчоқларга нисбатан қарашларини бутунлай ўзгартириш мақсадида, маҳаллий тақинчоқларни кундалик ҳаётда тақиб юришни тақиқлади, оқибат улар аста секинлик билан унитила бошлади;
- ✓ ҳалқаро кўргазмларга ҳам иттифоқ ўз маҳсулотлари олиб чиқа бошлади;
- ✓ янги ташкил этилаган заргарлик савдо марказлари импорт маҳсулотлар билан тўлдирилди;
- ✓ хатто тақинчоқлар ҳам Совет мағкурасига хизмат қилди, заргарлик буюмлари шакли ва безаклари совет анъаналарини тақрорлади;

Ўзбек заргарлари минг йиллар давомида сақлаб келган анъана ва мактабларини унитишга мажбур бўлди ва бу холат мустамлака мамлакати сиёсатига мос келиши билан изоҳланди. Халқ амалий санъатининг ноёб, асл наъмуналари ўзга юртларга олиб чиқиб кетилди ва янги маҳсулот руслаштириш сиёсатининг мағкурафий кўринишлари билан қориштирилиб, маҳалий бозорлари ўз маҳсулотлари билан тўлдириш орқали якунланди. Миллий идентикликни англатувчи, анъаналарни тақрорловчи амалий санъат наъмуналари эскилик сарқити деб баҳоланди ва маҳаллий музейларни безади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ.**

1. <https://lex.uz/uz/docs/3302648>
2. <https://lex.uz/docs/4872440>
3. <https://lex.uz/docs/4344351>
4. Наливкин В. Наливкина М. Очерк быта женшины оседлого туземного населения ферганы. Казань — 1886 г, 104-106 ст
5. Ўз МА. Фонд 1, рўйхат 29, йиғма жилд 1103, вароқ 117.
6. Қаранг. Ўз МА. Фонд 88, рўйхат 1, йиғма жилд 271, вароқ 1
7. Ўзбекистон миллий архив фонди. Фонд-91, рўйхат-9, йиғма жилд-853, 92-вароқ.
8. ЎзР МА. Фонд 1, рўйхат-11, йиғма жилд-1743, вароқ 43, 236
9. Ўз Р Миллий архив. Фонд -1. Рўйхат-12, йиғма жилд -183, вароқ 3.
10. ЎзР МА. Фонд 2724. рўйхат 1, йиғма жилд 3, вароқ 22
11. ЎзР МА. Фонд 2724, рўйхат 1, йиғма жилд 12, вароқ 2
12. ЎзР МА. Фонд 289, рўйхат 1, йиғма жилд 343, вароқ 1-5
13. Ўз МА. Фонд 91, рўйхат 9, йиғма жилд 768, вароқ 276
14. ЎзР МА. Фонд 2384, рўйхат 5, йиғма жилд 186, вароқ